

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ

УНИВЕРСИТЕТИ



УРАЛЬСКИЙ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ
УрГЭУ-СИНХ

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛАНТИРИШДА
МЕНЕЖМЕНТ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ АҲАМИЯТИ

хал қаро илмий ғамалий конференцияси

маъруза тезислари т

ўплами

Г.Йўлдашова
ассистент ТДИУ

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМЛАРИ ВА СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Маълумки, корхоналарни бошқариш турли мақсадлар асосида шаклланади. Жаҳон тажрибасида корхонани бошқариш концепциясини ишлаб чиқиш корхона иш фаолияти, стратегияси, унумли иш фаолиятида муҳим роль ўйнайди. 2017-2021 йиллар Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам (ПФ-4947-сонли фармони) муҳим масалалар кўзда тутилган1.

Хусусан: - корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш;

- капитални жалб қилиш ҳамда корхоналар, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин маблағларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида молия бозорини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси молия бозорини ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, унда алоҳида миллий корхоналар акцияларининг хорижий нуфузли фонд биржаларида дастлабки тарзда жойлаштирилишига эришиш (IPO), уларнинг хорижий капитал бозорига чиқишини таъминлашга эришиш;

- иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобат муҳитини яратиш ҳамда маҳсулотлар ва хизматлар бозорида босқичма-босқич монополияни қисқартиришга эришиш йўлида устун мавқега эга бўлган корхоналарнинг акция ва улушларини сотиб олишда тадбиркорлик субъектларининг хужжатларини қўриб чиқиш тартибини соддалаштиришни таъминлаш;

- акциядорлик жамияти шаклидаги тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кафолатлаш фондини ташкил этиш ва унинг устав капиталининг бошланғич миқдорини Ўзбекистон банклари ассоциацияси, давлат органлари ва тижорат банклари – муассислар улушлари ҳисобига шакллантириш асосида фонднинг тадбиркорлик субъектларини кредит ва бошқа молиявий маблағлар билан таъминлашни кенгайтириш, инвестициявий лойиҳаларни амалга

136 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. //Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. 2017. 6-сон.

оширишда кредит олиш учун гаров таъминотини тақдим этиш имкониятини яратиш кабилар шулар жумласидандир. Бугунги кунда жаҳонда корпоратив бошқарув амалиётида етук ва замонавий тажриба ва шаклланган малакаларни ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ушбу вазифаларнинг самарали ижроси ишлаб чиқариш корхоналари бошқарув фаолиятида замонавий стандартларни ишлаб чиқиш бошқарув механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади. Сўнгги 2 йил мобайнида Ўзбекистонда янги очилган корхоналар сони ортганини кўриш мумкин. Корхоналарни самарали бошқариш ва узлуксизлигини таъминлашда корпоратив бошқарув стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш орқали бошқарув самарадорлигига бирмунча эришиш мумкин. Бу стандартлар бевосита корхона фаолиятидан келиб чикиб ишлаб чиқилади. Яъни корхоналарнинг фаолиятидаги бошқаув услуби, стратегик характерли самарадолик кўрсаткичлари, ходимлар малакаси ва бошқалардан бошқарув стандартлари ишлаб чиқилиб, жорий қилинади.

Корхонани бошқаришда замонавий усуллардан фойдаланиш нафакат замон талаби, балки келажакнинг ҳам муҳим талабидир. Бу борада Ўзбекистонда корхоналар учун янги бошқарув тизими сифатида шаклланаётган корпоратив бошқарув стандартларини татбиқ этиш ва шу орқали кохоналар фаолиятида инновацион жараёнлар жорий этиш ҳозирги шиддаткор замоннинг долзарб талабидир.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш жараёнини корпоратив бошқарув стандартлари асосида такомиллаштириш ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Бу муаммони ечишда хорижий мамлакатлар корпоратив бошқарув тизимини ташкил этиш, мезонларини ўрганиш, механизмларини татбиқ этиш, акциядорлар маблағларини ва корпоратив бошқаришни ташкил этиш, илмийназарий ва амалий жиҳатдан татбиқ этиш муҳим аҳамият қасб этади.

Корпоратив бошқарув тушунчаси пайдо бўлганига қарийб 50 йил бўлди. Маълумки, унинг туб илдизи АҚШга бориб тақалади, бу ерда йирик корпорациялар пайдо бўлиши билан бошқариш ва корпорациялар эгалик қилиш хуқуки бир шахс қўлида бўлмай, кўп сонли акциядорлар ўртасида амалга оширилган. Бошқарув менежерлар томонидан юритилган. Корхонани акциядорлик жамиятларига айлантиришдан мақсад эса мулкка бўлган муносабатни ўзгартириб, ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш. Яъни иқтисодий жиҳатдан қолоқ, айланма маблағлари етарли бўлмаган, янги техника ва технологиялар сотиб олиш имконияти пасайган корхоналарда акция чиқариб, уларни, асосан, ташқарига сотиш билан молиявий ресурслар жалб этилади.

Тегишли тарздаги корпоратив бошқарув бутун бизнес-жараёнлар мажмuinи оптималлаштиради ва натижада компания фойдасини оширишга хизмат қилади. Кўплаб кичик ва йирик компаниялар учун корпоратив бошқарув стандартлари зарур эҳтиёж ҳисобланмайди. Уларнинг корпоратив бошқарув соҳасидаги бирламчи вазифаси амалдаги қонунчиликка риоя қилинишини яхшилаш ҳисобланади.

Корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлари амалдаги қонунчиликдан келиб чиқиб, мувофиқ даражада ишлаб чиқилиши аввало, ишлаб чиқариш жараёнига инвестицияларини жалб қилиш, жаҳон андозалари талабига мос келадиган, сифатли маҳсулотлар ва ҳизматлар яратиш корхоналар фаолиятини молиялаштириш даражаси ўсишини таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, корпоратив бошқарувнинг турли иштирокчилари манфаатларини корпоратив бошқарув стандартларининг татбиқ этилиши натижасида кескин бозор иқтисодиёти қонун қоидаларини бир - бирiga боғлай оладиган ва тез ўзгарувчан рақобат муҳитида корхоналарни ривожлантиришнинг муайян стратегиясини шакллантиришга қодир, янгича билим ва салоҳиятли лидерларни жалб қилмасдан туриб бизнесини корпоратив бошқариш вазифаларини бажариб бўлмайди. Айнан юқорида тилга олинган сифатли кадрлар жамланмаси корпоратив бошқарув стандартларини жаҳон тажрибаси асосида юртимизда кенг жорий этиши мумкин.